*Иштирокчи ташкилот бланкида (агар мавжуд бўлса)*

Харид комиссиясига
________________________________
________________________________
________________________________
томонидан

**Ман _______________________________________________________________, ____________________________________________________________ МЧЖ рахбари лавозимида ишлайман. Харид комиссияси томонидан №__________лот билан щтказилиши режалаштирилаётган харидларда ўз таклифимиз билан иштирок этиш истагини билдириб,**

**Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни (№684 22.04.2021 йил) қуйидаги моддалари билан танишиб чиқиб:**

**13-модда. Коррупцияга йўл қўймаслик принципи ;**

**14-модда. Манфаатлар тўқнашуви.**

**Харидлар жараёнида коррупцияга йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги, иштирокимиз давомида очиқлик, шаффофлик ва инсофли рақобат принципларига таянишни кафолатлаймиз.**

**Мавжуд бўлган ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар топган холларда бу ҳақда бевосита давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органни хабардор этилишини билдирамиз.**

_____________________ _____________________

«___»________2021йил

202___ йил «_____» _______даги
«_____» -сонли баённомасига
**ИЛОВА**
*(мазкур баённома ҳар бир буюртмачи танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб тасдиқланади)*

# ТАНЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШДА ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Танлов ҳайъатининг иш тартиби Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 7-боб, 56-63-моддалари талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, танлов комиссиясининг танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартиби, функциялари, хуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур иш тартиби (кейинчалик регламент) тавсия хусусиятига эга, танловларнинг предметидан қатъий назар, танлов ҳайъати томонидан ўзгартиришлар киритилиши ва белгиланган тартибда буюртмачи томонидан тасдиқланиши мумкин.

1.3. Танлов ҳайъати, танловларнинг бевосита иштирокчиси бўлган ҳолда (танловларни ўтказиш жараёнида доимий орган), буюртмачининг буйруғи ёки бошқа фармойиш берувчи ҳужжати билан тузилади ва танловларнинг тартиботига доир масалаларни кўриб чиқишга, муҳокама этиб тасдиқлашга ҳуқуқлидир.

## 2. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Танлов ҳайъатининг дастлабки йиғилиши, танлов ҳужжатининг расмийлаштириш жараёнида комиссия:

1. Ўз иш регламентини белгилайди ва уни тасдиқлаш учун ҳайъат раисига тақдим этади;

2. Кўриб чиқади ва тасдиқлайди:

- таклифларни кўриб чиқиш мезонларини;
- таклифларни очиш куни, вакти ва жойини белгилайди (махсус ахборот порталида ёки ________________________________ сайтида эълон қилинган кундан бошлаб ахборот порталида белгиланган муддат тугагандан сўнг 3 (уч) иш кунида буюртмачи манзилида;
- айрим сабабларга кўра танлов ўтказилмай қолган тақдирда, такроран танловни ўтказиш ҳақидаги эълон махсус ахборот порталида ёки ________________________ веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан олдин бўлмайди.

2.2. Ишларни хизматларни амалга оширишда қийматларидан, муддатларидан ва ишларнинг хусусиятидан қатъий назар, ҳар бир объект бўйича таклифлар алоҳида кўриб чиқилади.

2.3. Танлов ҳайъати қайсидир битта танлов иштирокчисига устунлик берадиган танлов таклифлари белгилашга ҳуқуқи йўқ.

2.4. Танлов ҳайъати йиғилишларда, қоидага кўра, таклифлар солинган конвертларни очади, малакавий баҳо беради ёки бошқа қарорлар қабул қилади.

2.5. Йиғилишларда танлов (тендер) ҳайъат раиси томонидан тасдиқланадиган ва иштирок этган барча танлов (тендер) ҳайъат аъзолари имзо чекадиган баённомалар юритилади.

2.6. Танлов ҳайъати котибининг вазифаларига танлов ҳайъатининг ишчи ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда ҳар бир бўлиб ўтган йиғилишларни баённомалаштириш киради, бунда ҳайъат котиби мустакил овоз бериш хуқуқига эга эмас.

2.7. Қоидага кўра, танлов (тендер) ҳайъатининг котиби этиб, танлов савдоси буюрмачисининг вакили тайинланади.

## 3. ТАКЛИФЛАРНИ ОЧИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ

3.1. Таклифларнинг очилиши танлов ҳайъатининг йигилишларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- барча талабгорларнинг конвертлари кўздан кечирилади, уларнинг ташқи кўриниши ҳайъат аъзолари томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- таклифларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда, кўриниши танлов (тендер) ҳайъат аъзолари томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Очилган конвертлар таркибида талаблар нотўғри расмийлаштирилганлиги аниқланса, талабгорнинг таклифи танлов (тендер) ҳайъат аъзолари томонидан овозга қўйилиб, таклифи кўриб чикилмайди. Талабларнинг бирортаси тақдим этилмаган тақдирда, ҳайъат аъзолари томонидан ўрганиб чиқилиб муҳокама қилинади ҳамда овоз бериш йўли орқали қабул қилиш ёки қабул қилмаслик аниқланади.

3.3. Таклифларни ўрганиш талабгорлар ёки уларнинг ваколатли вакилларининг иштирокисиз, тасдиқланган талаблар, мезонлар асосида ўрганиб чиқилади, бунда танлов ҳайъати раисига ва аъзоларига таклифларнинг асл нусхалари топширилади.

3.4. Берилган таклифларда нарҳ-наволар ва муддатлар бир хиллиги аниқланган тақдирда кўпчилик овози билан ҳал қилинади, агар овозлар тенг бўлган тақдирда, танлов (тендер) ҳайъат раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

3.5. Талабгорлар танловда иштирок этиш юзасидан ўз фикрини ўзгартириб, иштирок этишни истамаган ҳолларда берилган таклифи очилмасдан қайтариб берилади.

3.6. Агар таклифнинг ташқи кўринишига зарар етган бўлса ва бундан талабгорнинг хабари бўлмаса, унда талабгор танлов ҳайъат аъзосининг йиғилишида таклиф очилиши вақтида бу ҳақида таъкидлаб ўтишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда танлов ҳайъат танловларини тўхтатиши ва текшириб кўриши учун талабгорнинг таклифини қайтариб бериши керак.

3.7. Агар таклифлар бериш муддати тугаган пайтда ҳарид комиссияси томонидан танлов иштирокчиларидан танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади.

## 4. ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

4.1. Талабгорлар орасида ишлар хизматлар (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари) ишлаб чиқиш учун энг мақбул таклиф ғолиб деб ҳисобланади.

4.2. Танлов ҳайъатининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.3. Танлов ғолиблари ҳайъат томонидан иштирок этиш истагини билдирган танлов қатнашчиларининг иштирокида эълон қилинади.

4.4. танлов ҳайъат томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилган қарори якуний ҳисобланади ва шартнома имзоланади.

## 5. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

5.1. Танлов ҳайъати талабгордан давлат Буюртмачилигида қандай объектларда (лойиҳалаш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини) амалга оширганлиги ҳақида тасдиқловчи далилларни ҳужжат шаклида талаб қилишга ҳамда қонун хужжатларига асосан бошқа ҳуқукларга эга.

5.2. Танлов ҳайъати ўзининг қарори билан қуйидаги ҳолатлар бўйича:

- тақдим этилган ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг талабларига мос келмаганда, нотўғри маълумот ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлган ҳоллар аниқланганда;

- агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар ёки хизматларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлсада, талабгорнинг лицензияси бўлмаса;

- агар талабгорлар қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган ҳолларда;

- муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ҳоллар мавжуд бўлганда;

- талабгорни четлатишга ва таклифларни кейинчалик ўрганмасдан танловдан четлаштиришга ҳақлидир.

5.3. Танлов ҳайъат танловларни ўтказиш жараёнида танлов иштирокчилари томонидан келиб чиққан фикр-мулоҳаза ва талабларни 15 кунлик муддатдан ошиб кетмаган холда кўриб чикиб, қарор чиқариши ва жавоб йўллаш ҳуқуқига эгадир. Танлов тартиботларидан келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.4. Танлов ҳайъати талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатининг таркиби бўйича изоҳлар билан тушунтиришлар киритишига йўл қўйишга ҳақлидир. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нарҳи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

5.5. Танлов ҳайъати қуйидаги ҳолларда:

- танлов ҳайъати томонидан белгиланган муддат якунига 2 тадан кам таклиф келиб тушса;

- барча таклифлар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

- талабгорлар томонидан таклиф этилган нарҳлар эълон қилинган бошланғич нарҳга нисбатан юқори бўлганда;

- танлов ҳайъати томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса, ўтказилмаган деб ҳисоблашга ҳақлидир.

5.6. Танловнинг ўтказилмаган деб эълон қилиниши танлов ҳайъатининг мулкий ёки бошқа тусдаги жавобгарлигига олиб келмайди.

5.7. Танлов ҳайъати танлов тартиботлари бўйича ҳар қандай қарорга келиши мумкин, қачонки ушбу қарорлар тегишли қарорлар негизида бўлса.

## 6. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Танлов ҳайъати:

- танлов тартиботининг босқичларида кворумсиз (танлов ҳайъати аъзоларининг сони етарли бўлмаганида), камчилик овоз билан ва\ёки танлов ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олмасдан туриб танлов ҳайъати томонидан қарор қабул қилинишига;
- талабгордан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишнинг асоссиз талаб қилиниши;
- таклиф мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;
- танлов ғолибининг танлов ҳайъатининг очиқ мажлисида аниқланганлиги, танлов ғолибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги;
- танлов тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

## 7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур иш тартиби танлов ҳужжатининг ажралмас қисмидир ва танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилгандан ва танлов ҳайъати раиси томонидан тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради.

# ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

**Танлов иштирокчисининг ишлаб чиқариш тузилмасини кўрсатинг (ташкилотнинг бўлинмалари билан биргаликдаги, бўлинмалар фаолиятининг қисқача таърифлайдиган чизма шаклидаги тузилмаси: участкалари, бўлимлари, цехлари, базалари, қоришмали ва бетон тармоқлари ва хоказо)**




**«» МЧЖ бошлиги _______________.**

**Тузиш санаси: « » _______________ 2021 й.**

**ҚУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

# ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Савдо иштирокчисининг номи «» **МЧЖ**
Раҳбарнинг фамилияси исми ва отасининг исми
Манзили ва телефон (факс) рақами **Тел:**
Юридик мақоми **МЧЖ**
Тузилган санаси **гувохнома**
Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) ОКОНХ **Умумкурилиш ташкилоти**

**Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:**

| Тартиб №№ | Ф.И.Ш. | Маълумоти (ўкув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси) | Қурилишдаги иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | | | | | |

**Асосий ходимлар (участка, бўлим бошлиқлари, саркор, уста, ИЧБ (ПТО) мухандислари ва бошқалар)**

| Тартиб №№ | Ф.И.Ш. | Маълумоти (ўкув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси) | Қурилишда иш тажрибаси (йил) | Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| | | | | | |

**Доимий ходимлар (ишчилар)**

| Тартиб №№ | Мутахассисликлар номи | Жами сони ва шу жумладан мутахассисликлар ва разрядлар бўйича | Улардан (3-гуруҳдан) малакасини тасдиқловчи хужжати борлар | Улардан (4-гуруҳдан) қурилишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Жами: | | | |
| | шу жумладан | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Корхона бошлиғи: (имзо ва мухр)

**« » МЧЖ бошлиги** ____________

ҚУЙИЛМА № 3

# ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ

*(Қуйилмага кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)*

## «» МЧЖ

*(танлов савдоси иштирокчисининг номи)*

| АКТИВЛАР | 2018й | 2019й | 2020й | ПАССИВЛАР | 2018й | 2019й | 2020й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Узоқ муддатли активлар** | | | | **Ўз маблағлари манбаи** | | | |
| **Асосий воситалар** | | | | **Низом капитали** | | | |
| **Шундан Ишлаб чиқариш фондлари** | | | | **Тақсимланмаган фойда** | | | |
| **Қолдиқ қиймат** | | | | | | | |
| **Капитал қуйилмалар** | | | | **Займлар** | - | - | |
| **Тугалланмаган ишлаб чиқариш** | | | | **Кредитор қарздорлик** | | | |
| | | | | | | | |
| **Айланма маблағлар** | | | | **Шундан бюджетдан қарздорлик** | | | |
| **Улардан ишлаб чиқариш захиралари** | | | | **Шундан иш ҳақидан қарздорлик** | | | |
| **Дебитор қарздорлик** | | | | Шундан банк кредитидан қарздорлик | | | |
| **Шундан муддати ўтган қарздорлик** | | | | | | | |
| **Жами баланс активи бўйича** | | | | **Жами баланс пассиви бўйича** | | | |

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

| Номи | 2018й | 2019й | 2020й | Номи | 2018й | 2019й | 2020й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. Реализациядан олинган тушум** | | | | **8. Соф фойда** | | | |
| **2. Реализациядан олинган соф тушум** | | | | **Шундан асосий фаолият бўйича** | | | |
| **3. Реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи** | | | | **Умумхўжалик фаолият бўйича** | | | |
| **4. Маъмурий харажатлар** | | | | **9. Асосий фаолиятдан олинган фойда** | | | |
| **5. Бошқа харажатлар** | | | | **10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда** | | | |
| **6. Даромад солиғи тўловигача фойда** | | | | **11. Зарар** | | | |
| **7. Даромад солиғи** | | | | **шундан асосий фаолиятдан** | | | |
| | | | | **умумхўжалик фаолиятдан** | | | |

Баланс фойда

Охирги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми ?

Раҳбар _______________ Бош ҳисобчи _________________ М.Ў.

Сана: « » й.

*Изоҳ: Танлов савдоси иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар (баланс ҳисоботларининг асл нусхалари) аудитор компанияси ёки солиқ идоралари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.*

**ҚУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

ҚУЙИЛМА № 3а

# ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ

«  » МЧЖ

*(танлов савдоси иштирокчисининг номи)*

| № | Асосий воситалар | Русуми | 2021 йил 1 январ ҳолатидаги қолдиқ | Эскирганлик қиймати | Қолдиқ қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| *1* | | | | | |
| *2* | | | | | |
| *3* | | | | | |
| *4* | | | | | |
| *4* | | | | | |
| *5* | | | | | |
| *6* | | | | | |
| *7* | | | | | |
| *8* | | | | | |
| *9* | | | | | |
| *10* | | | | | |
| *11* | | | | | |
| *12* | | | | | |
| *13* | | | | | |
| *14* | | | | | |
| | *Жами:* | | | | |

«  »  МЧЖ бошлиғи  ____________

Тузиш санаси: «     » _____________ 2021  й.

Тасдиқланган: _______________________________

(бош ҳисобчи имзоси)

ҚУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ

ҚУЙИЛМА № 3б

# ТАНЛОВ САВДОСИ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗДОРЛИГИ

**« » МЧЖ**

*(танлов савдоси иштирокчисининг номи)*

| Корхоналар номи | Шундан: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 01.01.2019 йил | | 01.01.2020 йил | | 01.01.2021 йил | |
| | Дебитор | Кредитор | Дебитор | Кредитор | Дебитор | Кредитор |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| ЖАМИ | | | | | | |

**« » МЧЖ бошлиги ____________**

**Тузиш санаси: « » 2021 й.**

**Тасдиқланган: _______________________________**

(бош ҳисобчи имзоси)

*Изоҳ: Мазкур жадвални тўлдиришда қарздорликлари мавжуд корхоналарнинг рўйхати фақат бир марта кўрсатилади ҳамда 3 йиллик кўрсаткичлар битта қаторда ҳисоблаб чиқилади. Корхона номини бошқа йиллар учун қайта кўрсатишга йўл қўйилмайди.*

ҚУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ

**ҚУЙИЛМА № 4**

## ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ХОС ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

« » **МЧЖ** *(танлов савдоси иштирокчисининг номи)*

| № | Объект номи | Шартнома суммаси | Ишларни бошланиш ва якунланиш санаси | Бажарилган ишлар (ишларнинг асосий турлари позициялар бўйича кўрсатилсин) | Буюртмачи номи |
|---|---|---|---|---|---|
| 2018 йил | | | | | |
| 3 | | | | | |
| | ИТОГО | | | | |
| 2019 йил | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| | ИТОГО | | | | |
| 2020 йил | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| | ИТОГО | | | | |
| | ВСЕГО: | | | | |

« » **МЧЖ бошлиги** ____________________

**Тузиш санаси: «   »______________ 2021 й.**

**Тасдиқланган:** ___________________________________
(бош ҳисобчи имзоси)

***Маълумотлар иштирокчи томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва давлат комиссиялари далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.***

**ҚУЙИЛМА № 5**

## ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ПУДРАТЧИНИНГ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ

| Тартиб №№ | Номи | Маркаси | Сони | Ишлаб чиқарилган йили | Қуввати |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Машина ва мехнизм** | | **4** | | |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| **Ижара шартнома асосида** | | | | | |
| 6 | | | | | |
| 7 | | | | | |
| 8 | | | | | |
| | | | | | |
| 17 | | | | | |
| 18 | | | | | |
| 19 | | | | | |
| 20 | | | | | |
| 21 | | | | | |
| 22 | | | | | |
| 23 | | | | | |
| 24 | | | | | |
| 25 | | | | | |

« » МЧЖ бошлиғи ____________________

**Тузиш санаси: « » __________ 2021 й.**

***ИЗОҲ:*** *Ижара, лизинг ёки субпудрат асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати ёки лизинг ёки субпудрат шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак, ўзига тегишли бўлган машина ва механизмларнинг тасдиқловчи хужжатлари)*

ҚУЙИЛМА №6

# ОФЕРЕЙТ ТАНЛОВ САВДОСИ ВАҚТИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ВА МАЗКУР ТАНЛОВ САВДОСИНИНГ ПРЕДМЕТИ БЎЛМИШ ОБЪЕКТНИ ҚУРИШ (РЕКОНСТРУКЦИЯ, ТАЪМИРЛАШ) ДАВРИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН БОШҚА КОНТРАКТЛАР (ОБЪЕКТЛАР) ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

| Тар-тиб №№ | Объект номи, машина ва механизмлар номи | Буюртмачи | Шартноманинг бошланиш ва якунланиш санаси | Шартнома суммаси | Танлов савдолари эълон қилинган пайтда бошқа объектларда ишлаётган машина ва механизмлар сони | Танлов савдосининг предмети – лойиҳани бажариш вақтида бошқа объектларга жалб этилган машина ва механизмлар сони – (ойлар бўйича) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1-чорак | 2-чорак | 3-чорак | 4-чорак |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

« » МЧЖ бошлиги _______________

Тузиш санаси: «» 2021 й.

**ҚУЙИЛМА № 7**

# ҚУРИЛИШ МАЙДОНИНИ КЎРГАНЛИК ГУВОҲНОМАСИ

**Ушбу билан тасдиқланадики, мен « » топшириғига биноан қурилиш майдончаси ва унга туташ ҳудудларда бўлдим, кўрув ўтказдим, шунингдек:**

**а) танлов ва лойиҳа ҳужжатларини, шу жумладан, график қисми (чизмалар)ни батафсил ўргандим;**

**б) мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларни қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ҳамда бошқа ҳолат ва шароитлар билан танишдим ва бизнинг таклифимизда ҳисобга олдим.**

**Буюртмачининг вакили:**

**« » МЧЖ бошлиғи ______________**

**Тузиш санаси: « » 2021 й.**

**ҚУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ. УШБУ ҚЎЙИЛМА ТЕГИШЛИ ТАРТИБДА РАСМИЙЛАШТИРИЛМАГАН ТАҚДИРДА ИШТИРОКЧИ ТАНЛОВДАН ЧЕТЛАШТИРИЛАДИ.**

**Давлат хариди ҳужжатлари бўйича маълумот олиш сўров шакли**

*Иштирокчи ташкилот бланкида (агар мавжуд бўлса)*

Харид комиссиясига
________________________________
________________________________
________________________________
______

Сайтга [*xarid.uz ёки расмий сайт*] жойлаштирилган, давлат хариди ҳужжатига аниқлик киритилишини сўраймиз [*товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, бюджет буюртмачилари учун хизмат кўрсатиш*]:

| № т/р | Харид ҳужжатлари бўлими | Харид ҳужжатига аниқлик киритиш керак бўлган банд | Харид ҳужжатига аниқлик киритиш учун сўров мазмуни |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Ушбу сўров бўйича маълумотларни кўрсатилган манзилга юборинг [*почта адреси, электрон почта манзили, факс рақами*]

[сана, ой, йил]

[Сўровга имзо қўйган масъул шахснинг исми] [имзо] [И. Ш. О.]

М.Ў.

**Форма запроса на разъяснение положений документации по закупке**

*На бланке организации участника (если имеется)*

Закупочная комиссия
по проведению торга
___________________________
___________________________
___________________________
_____

Прошу разъяснить следующие положения закупочной документации [*поставку товаров, выполнение работ, оказание услуг для нужд государственного заказчика*], размещенной на [*xarid.uzили официального сайта*]:

| № п/н | Раздел закупочной документации | Пункт закупочной документации подлежащий разъяснению | Суть запроса на разъяснение закупочной документации |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Разъяснения по настоящему запросу прошу направить по [*указать почтовый адрес, адрес электронной почты, номер факса*]

[число, месяц, год]

[наименование должности лица, подписавшего запрос] [подпись] [Ф. И. О.]

М.П.

# Давлат харидини амалга ошириш буйича
# ТЕХНИК ТОПШИРИК

| № | Булинма номи | Булинма изоҳлар |
|---|---|---|
| 1 | Буюртмачи ташкилот номи | |
| 2 | Объект номи | |
| 3 | Танлов тури: | Очиқ |
| 4 | Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили: | Махсус электрон портал http://dxarid.uzex.uz |
| 5 | Танловни утказиш манзили, жойи ва санаси | Бухоро вилояти Махсус электрон порталда http://dxarid.uzex.uz даги эълонда белгиланган муддат давомида. |
| 6 | Танловда иштирок этиш учун банк кафолатининг миқдори ва шакли | |
| 7 | Танлов утказиш тугрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади | Махсус электрон портал http://dxarid.uzex.uz |
| 8 | Танловда иштирок этишга қуйидаги иштирокчиларга рухсат этилади | Таклиф этилган шартлар буйича танловда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин |
| 9 | Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд булса) | Талаб этилмайди |
| 10 | Иштирокчиларнинг танлов ҳужжатлари буйича тушунтиришлар олиш муддати | Таклифларни топширишнинг охирги муддатидан икки кун олдин. |
| 11 | Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари | http://dxarid.uzex.uz даги эълонда белгиланган муддат давомида. |
| 12 | Танлов ҳужжатининг тили | узбек ва рус тиллари |
| 13 | Танлов таклифининг амал қилиш муддати | Танлов таклифлари очилган кундан бошлаб _____ кун |
| 14 | Танлов предметининг объектида ишлатиладиган оферентнинг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари | Талаб этилмайди |
| 15 | Қушимча ҳужжатлар руйхати | Объект қийматининг 20% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги тугрисида банк маълумоти ёки айланма маблағлар билан таъминлаш тугрисида банк кафиллиги. Ушбу ҳужжатни тақдим қилмаган иштирокчилар танловдан четлаштирилади. |
| 15 | Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ булиши керак: | шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;<br>шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;<br>солиқлар ва йиғимларни тулаш буйича муддати утган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;<br>узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;<br>Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги. |
| 16 | Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили | Таклифларни қабул қилишнинг охирги вақти http://dxarid.uzex.uz сайтида курсатилган вақт ва муддат Манзил: Бухоро вилояти |
| 17 | Таклифларни тақдим қилиш тартиби | Талабгорнинг имзоси ва муҳри қуйилган 1- пакет ва 2- пакет ҳужжатлари алоҳида конвертларга солиб елимланган ҳолда тақдим қилинади. |
| 18 | Танлов таклифларини олиш манзили | Бухоро вилояти _______________________________. |
| 19 | Танлов таклифларини баҳолаш муддати | 10 кунгача |
| 20 | Иштирокчиларнинг молиявий қисмларини очилишига рухсат этиладиган иштирокчилар | Комиссия томонидан овозга қуйиш орқали (умумий ҳужжатлар тупламида 70% дан юқори булганлар) |
| 21 | Буюртмачи томонидан белгиланган ишларни бажариш ( махсулот етказиб бериш) муддати | _________ кун |
| 22 | Молиялаштириш манбаи | Бюджет маблағлари ҳисобидан |
| 23 | Молиялаштириш тартиби | Бунда: Танловда голиб чиккан иштирокчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, дастлабки икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) аванс утказади |
| 24 | Шартнома тили | Узбек тилида |
| 25 | Шартнома валютаси | Сумда |
| 26 | Мурожаат учун телефонлар | 65-223-63-24 |
| 27 | Мурожаат учун масъул шахс | ЯБХ ИК Маркетинг булими бошлиги - Ортиков Б. 88-307-50-00 |

**Шартнома №___**

**Бухоро шаҳри** **2021 йил "___" ____**

________________________________________________________ (кейинги ўринларда "Буюртмачи") номидан _______________ асосида харакат қилувчи __________________, бир томондан, _____________, (кейинги ўринларда "Ижрочи") номидан Устав асосида иш кўрувчи директор ______________, иккинчи томондан, __________________________________________________________________________________________________________________________________ қуриш ва топшириш бўйича шартномани (кейинги ўринларда – шартнома) қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги ва айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги хамда, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Ижрочига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ бошқа талаблар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - "Ижрочи" томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**танлов баёни** –Ички ишлар бошкармаси танлов комиссияси томонидан 2021 йил "___"_______ куни ўтказилган ва расмийлаштирилган -сонли йиғилиш баённомаси;

## 2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур шартномага мувофиқ, __________________________________________________________________________________________________________________________ шартларида қуриш ва топшириш, Буюртмачи Ижрочига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва келишилган тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Шартнома доирасида Буюртмачи Ижрочига қуйидаги ҳуқуқларни беради:

кўп квартирали уйларни қуришда лойиҳа-смета хужжатлари асосида белгиланган қурилиш меъёрларга асосан қурилиш ишларини бажариш

2.3. Ижрочи бажарилган қурилиш ишлари бўйича зарур далолатномаларни ўз мутахассислари томонидан текширади ва қабул қилади. Бунда, буюртмачига

бажарилган ишлар экспертизадан ўтказилган лойиха-смета хужжатлари асосида хажм (майдон) ва сифат бўйича топширилади.

## 3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи томонидан бажарилган, танлов баёнига мувофиқ тасдиқланган ишлар киймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда қуйидаги белгиланади:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

3.2. Тарафлар белгилайдики:

______________________________________________

______________________________________________

______________________________________________.

3.3. Буюртмачига тегишли қисми бўйича ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Ижрочи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

## 4. ИЖРОЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга __- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган муддатда топшириш;

__- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш, қуриклаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш ҳамда қурилиш майдонидаги бино ва иншоотларни ўз хисобидан бошқа жойга қуриб бериш;

Буюртмачини Ижрочи томонидан қурилиш ишлари давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт

воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Ижрочи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Биноларни қурилиш ишлари битказилиб топширилгандан сўнг бир йил кафолат муддати Ижрочи зиммасига юклатилади.

4.4. Ижрочи норматив ҳуқуқий ҳужжатларга асосан объектда лойиҳа олди хужжатлар (топосиёмька, гиология хизматлари, экология харажатлари, махсус автохўжалик хизмати, лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш харажати, Давлат экспертиза хулосаси, ҳудудий қурилиш назорат инсексияси хизмати, муаллифлик назорати) билан боғлиқ хизматларини бажариш ҳамда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.5.Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура - қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Ижрочи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш учун малакали хамда ваколатли мутахассис жалб этиш ва Ижрочидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## 5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага __- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Ижрочига бериш;

Ижрочининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Биринчи бадал пулини ходимларга хонадонлар ажратилгандан кейин тўлов қобилятидан келиб чиқиб банк орқали ёки нақт пул кўринишида Ижрочига молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Ижрочига ишларни қабул килиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## 6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВ (эркин алмаштириладиган валюта)га конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти қурилишга рухсатнома олинган кундан бошлаб **12ойни** ташкил этади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## 7. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Шартнома доирасида қуйидаги тартибда хисоб китоб амалга оширилади.

а) Буюртмачи яшаш шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ички ишлар ходимлари рўйҳатини шакллантиради ва тасдиқлайди (кейинги матнда – ҳодимлар рўйҳати);

б) ходимлар рўйҳатига киритилган ходимларга лойиҳага мувофиқ қурилаётган квартиралар майдонига ва хоналар сонига мувофиқ бириктиради (тақсимлайди);

в) Лойиҳага мувофиқ қурилаётган кўп квартирали уйларни қолган қисмини молиялаштириш Ижрочи ўз маблағлари, шу жумладан жалб қилинган қарз ҳамда кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

г) ИИБ уй-жой комиссияси томонидан тузиладиган рўйҳатга киритилган ходимларга бириктирилган хонадоннинг бошланғич **25** фоиз бадал пули тўловини ходимлар томонидан Ижрочи ҳисобига тўланишини мумкин;

7.2. Ижрочи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объект мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Ижрочининг зиммасида бўлади.

7.3. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Ижрочи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Ижрочи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## 8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Ижрочи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Ижрочи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Ижрочи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Ижрочи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 6-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Ижрочи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Ижрочининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни жойлаштириш учун Ижрочига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Ижрочи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Ижрочи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.9. Ижрочи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.10. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Ижрочи амалга оширади.

8.11. Қурилиш майдонида амалга ошириладиган барча ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиш билан боғлиқ харажатлар Ижрочи томонидан молиялаштириш амалга оширилади.

8.12. Ижрочи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Ижрочи Буюртмачини ва "Даварxитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Ижрочи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Даварxитектқурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.15. Ижрочи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Ижрочи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Ижрочи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи Ижрочи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Ижрочи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Ижрочи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Ижрочи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Ижрочи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини белгиланган жойга чиқариб ташлайди.

8.19. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Ижрочи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Ижрочининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Ижрочининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Ижрочи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 9. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Ижрочи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкларни зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## 10. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Ижрочи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 11. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда

тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Ижрочининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Ижрочи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг 5-бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини(давлат хайати кабул далолатномаси, объектни фойдаланишга топшириш тугрисида хоким карори) беради. Ижрочи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

## 12. КАФОЛАТЛАР

**12.1. Ижрочи:**

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади, нуқсонлар Ижрочи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Ижрочи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Ижрочи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва тугалланмаган ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг 7-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Ижрочидан ушлаб қолиш ҳуқукига эга.

12.4. Ижрочи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилиш ишларини назорат қилишда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## 13. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

13.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Ижрочи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Ижрочининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Ижрочи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Ижрочи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Ижрочи:

ишларнинг бажарилиши Ижрочига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Ижрочининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Ижрочига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 14. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда айбдор тараф:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

14.3. Ижрочи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект бўйича шартноманинг жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Ижрочи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Ижрочини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши шунингдек Ижрочидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни қоплайди.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## 15. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Мазкур шартномани тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилишн ва ҳақиқийлиги юзасида келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар тарафлар томонидан ўзаро музокаралар орқали ҳал этилади. Музокара орқали ижобий натижага эришилмаган ҳолда, низолар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган тартибда суд органлари орқали ҳал этилади.

## 16. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, тарафларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Ижрочи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Ижрочи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Ижрочи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Ижрочи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

## 17. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| **БУЮРТМАЧИ:** | **ИЖРОЧИ:** |
| --- | --- |

## Пудрат шартномаси №

**«________________________________________________________»**.

__________________ *2021 йил "___ "___________*

Кейинги ўринларда "**Буюртмачи**" деб юритиладиган ________________________________________ номидан Низом асосида иш кўрувчи директор ____________________ бир томондан ва кейинги ўринларда "**Пудратчи**" деб юритиладиган «__________________» MCHJ номидан Низом асосида иш кўрувчи рахбар __________________ иккинчи томондан «________________________________________________» га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### 1. Таърифлар

**1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:**

**"ижро хужжатлари": -** натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўгрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул килиниши тўгрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўгрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**"қурилиш майдони":** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**"вақтинчалик ишлар":** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

**"беркитилган ишлар":-** сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аник белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий кийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига "________________________________________________» ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг карори **(2021 йил "___" _____________даги "___" сон баённома)** билан тасдикланган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда – _______________ (___________________________________________) сўмни ташкил этади.

4.Ишлар киймати узел-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас,куйидаги холлар тбундан мустасно;

курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 20%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- иловага мувофик курилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вактинчалик иншоотлар куриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

### V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

### VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан ______ кун (___________.2021) йилни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

### VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, дастлабки икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) бўлган аванс ўтказади, бу – ___________________ (______________________________________________________) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 95 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

Мазкур объект буйича тулов Суд фаолиятини таъминлаш департаменти Бухоро вилоят худуди булими томонидан ва 2021 йил учун манзилли дастурга асосан амалга оширилади.

- Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда “Буюртмачи” тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботлаcа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг

ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

### IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

### XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,01 % (фоиз) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 %(фоиз) дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 % (фоиз) миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 (фоиз) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,01 % (фоиз) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 1 % фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлаганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 4 нусхада тузилади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

**БУЮРТМАЧИ:**

«______________________________»

Манзил:
Тел/факс
х/р____________________________________
СТИР

Банк:

МФО ИНН

Рахбар: ___________________

Хукукшунос: ______________

Булим бошлиги: ____________

**ПУДРАТЧИ:**

«______________________________»

Манзил:
Тел:
Х/р:
Банк:
СТИР МФО
ОКЭД

Рахбар: _______________

Хукукшунос: _________________